

**9- МАВЗУ:** Тарбия технологиялари ва унинг ўзига хос жиҳатлари

**РЕЖА:**

1. Тарбия усуллари ва принциплари.
2. Ўз-ўзини тарбиялаш ва қайта тарбиялаш
3. Тарбия технологиясини амалга ошириш хусусиятлари

## 1. Тарбия жараёнининг моҳияти

Ҳозирги вақтда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури “Таълим тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларига мувофиқ тайёрланган бўлиб, унинг :

“асосий мақсади- таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш”, зарурлиги (39 бет)

“Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши учун шарт-шароитлар яратади” (43 бет) деб, таъкидланиши бежиз эмас албатта.



ТАРБИЯ

- маънавий манбалар ва ҳозирги замон талаблари ва эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда, ўқувчининг ўқувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро амалий ва назарий мулоқотдир.



Бирор бир мақсадга қаратилган тарбия жараёнининг моҳияти ва вазифалари тарбиячи томонидан режалаштирилади ва тартибга солинади:

1

- Талабанинг қайси хислатини шакллантириш ёки йўқотиш.

2

- Шу хислатларни тарбиялаш ёки йўқотиш учун хизмат қилувчи манбаларни излаб топишади.

3

- Белгиланган мақсад учун хизмат қиладиган назарий ва амалий манбаларни қайсисини ва қаерда ишлашни режалаштиришади.

Тарбия шахсни ижтимоийлаштириш унинг аниқ ҳаётий мавқеини шакллантириш жараёнидир. Тарбия жараёнини машҳур педагог лар:

Абдулла Авлоний “Ал-ҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт, - ё мамот, - ё нажот, - ё ҳалокат, -ё саодат,-ё фалокат масаласидир” деб таърифлаган.

Ҳ.Ҳ.Ниёзий: “Агар яхши тарбия кишининг қимматбаҳо бойлиги бўлса, ёмон тарбия унинг учун ҳақиқий бахтсизлик ҳисобланади ва кўпинча уни халок этади”, - деб тушунган.

А.С.Макаренко: “Тарбия бу нисбатан кексароқ авлоднинг ўз тажрибаси, ўз эҳтироси, ўз эътиқодини ёш авлодга топшириш демакдир” - деб таърифлаган.

В.А.Сухомлинский “Тарбия - аввало ўқитувчи билан болалар доимий маънавий муносабатларидир” - деб таърифлаган.

## 2. Тарбия усуллари ва принциплари

1. Сўз орқали  
ифодалаш усули.

2. Кўргазмалилик усули.

3. Амалий, намуна усули.

4. Рағбатлантириш ва  
жазо усули.



Юқоридаги методлар (усуллар) ўз навбатида қуйидаги гуруҳчаларга бўлинади:

**Биринчи гуруҳ** - сўз орқали узатиш, маслаҳат бериш, маълумотларни эшитиш орқали қабул қилиш, ҳикоя, маъруза, суҳбат.



**Иккинчи гуруҳ** - кинофильмлар, тасвирий санъат, бадиий санъат ва бошқа орқали тарбиялаш усуллари



**Тўртинчи гуруҳ** - ўқувчи-талабаларнинг яхши бажарган ишларини, ўртоқлари оддида ёки ота-оналар мажлисида маъқуллаш, мақтов ёрлиқлари топшириш.



**Учинчи гуруҳ** - тарбия маълумотларини амалий меҳнат ҳаракатлари орқали бериш, ўртак кўрсатиш, бошқаларни амалий меҳнатини мисол қилиб кўрсатиш;



Жазо



- бу боланинг нотўғри қилган ишига ўзини иқрор қилдириш. Агар бола сиз огоҳлантирмасингиздан ёки тушунтирмасингиздан олдин ўз хатосини тушунган бўлса-ю, сизга қилган хатосини айтолмай изза чекиб турган бўлса, уни жазолашга зарурат йўқ.



Аммо кейинги гал ҳам хато қилса ва уни тан олмаса, ундай ҳолларда қуйидаги жазо турлари қўлланилади.



### 3. Ўз-ўзини тарбиялаш ва қайта тарбиялаш

Ўқувчида ўз-ўзини тарбиялашга, яъни ўзи устида онгли, батартиб ишлашга эҳтиёж пайдо бўлгандагина тарбия жараёнини самарали деб ҳисобласа бўлади.

- Ўқувчилар ўқишда, тарбияда, дам олишда ўз-ўзини тарбиялаш усулларидан фойдаланадиган.
- Ўз-ўзини тарбиялаш ўқувчини ташаббускорлик ва мустақилликка ундайди.




Тарбия жараёни фақат ўқитувчи ва тарбиячи раҳбарлигида амалга оширилмайди.

Тарбия жараёнида тарбияланувчиларнинг ўзлари ҳам иштирок этдилар, яъни улар ўзларини-ўзлари тарбиялайдилар.

"Ўз-ўзини тарбиялашга ундовчи тарбия ишончим комилки, бу ҳақиқий тарбиядир" В.А.Сухомлинский

Ўз-ўзини тарбиялаш инсоннинг ўзида маълум фазилатларни устиришга қаратилган онгли интилиш ва ирода кучидир.



Болаларга ёшлиқдан нотўғри тарбия бериш натижасида

Тарбия жараёни одатда қайта тарбиялаш, боланинг атроф-муҳитдаги у ёки бу ҳодисалар билан салбий алоқаси натижасида вужудга келадиган муносабатлар ва ўз хусусиятларини бартараф этиш билан қўшиб олиб борилади.



Mehnat an'analari

```
graph TD; A[Mehnat an'analari] --- B[Mehnatsevarlik]; A --- C[Yerga va tabiatga muhabbat]; A --- D[Boshqalar Mehnatini Qadriga yetish];
```

Mehnatsevarlik

Yerga va tabiatga  
muhabbat

Boshqalar  
Mehnatini  
Qadriga  
yetish